

## ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

**Абдугафур Маматов - Жиззах давлат педагогика институти  
профессори**

**Жабборова Анора - Жиззах давлат педагогика институти доценти в.б.**

*Аннотация:* Мазкур мақола тилшуносликда долзарб бўлган тил ва маданият муносабати, миллий маданиятнинг лисоний манзараси ва уларнинг концептуаллашуви масалаларига бағишланган.

*Таянч сўзлар:* лисоний концепт, лингвомаданиятшунослик, интегратив, вербаллашиш, олам лисоний манзараси, маданий компонент, концепт, когнитив-семантик, когнитив-прагматик.

Ҳозирги замон лингвистикасида тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласи, концепт тушунчаси ва унинг бағрида лингвомаданий таҳлилнинг метод ва усуллари тадқиқи амалга оширилмоқда. Тилшуносликда тил бирликларини лингвопрагматик, лингвокогнитив, антропоцентрик прадигма каби янги илмий концепциялар асосида тадқиқ этиш устунлик қилмоқда. Тил ва маданият муносабатини оламнинг лисоний манзараси нуқтаи назаридан ўрганиш, миллий менталликни англаш масалаларини таҳлил қилиш ҳам тилшунослик учун назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Тил бирликларининг лингвокультурологик тадқиқи жараёнида ва натижасида уларнинг моҳияти тўлароқ очилади, амалий аҳамияти ошиб боради. “Фразеологик бирликлар у ёки бу халқнинг маънавий қадриятлари, миллий тафаккури, ҳаёт тарзи ҳамда урф-одатларини намоён этадиган тил ходисасидир”<sup>1</sup>. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий

---

<sup>1</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси (ўқув қўлланма). Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019. 11-бет.

таракқиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ муаммоларни айнан лингвокультурологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш тилимизнинг жаҳон тиллари орасидаги муносиб ўрнини белгилашда ўзига хос моҳият касб этади.

Тилшуносликда инсон фаолиятини ўрганишга йўналтирилган антропоцентрик тадқиқотлар юзага келмоқда. Модомики, фразеологик бирликлар инсон фаолияти билан боғлиқ нарса-ҳодиса ва тушунчаларни ифодалар экан, шундай ҳодисаларни эмоционал-экспрессив, образли ифодалаш эҳтиёжи асосида шаклланар экан, уларни тил ва маданият муносабатида тадқиқ этиш янада долзарблик касб этади. Мазкур мақоладаги тил материаллари ўзбек миллий- маданий дунёқарашининг фразеологик сатҳдаги аспектиларини таҳлил ва тавсиф этишга йўналтирилган.

Тил у ёки бу миллат маданиятининг элементи, қисми, факти, омили, шакли, манбаси, сақловчиси, хотираси, транслятори, мавжудлик шарти ҳисобланади. Лингвомаданиятшунослик интегратив мустақил фан соҳаси сифатида оламнинг лисоний манзараси ва тил шахсининг миллий ўзига хос хусусиятларини ифодалайди ҳамда юзага чиқаради. Тилшунос В.А.Маслова лисоний маданиятшуносликнинг предметини: 1) ноэквивалент лексика ва лакуналар; мифологик лисоний бирликлар; 3) тил паремиологик фонди; 4) тил фразеологик фонди; 5) эталон, стереотип, символлар; 6) тил метафора ва образлари; 7) турли тиллар услубий тарзи; 8) нутқий хулқ; 9) нутқий этикет майдони”<sup>2</sup> каби турларга ажратиб янада аниқлаштиради. Фразеологизмлар миллатнинг маҳсули сифатида миллий маданий манзарани когнитив-прагматик аспектиларда баён этади. Лисоний концепт ва унинг лингвомаданий аспектилари эса маданий-лисоний алоқаларнинг кўп қиррали жиҳатларини ифода этади.

Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий ўзига хос хусусиятларига ҳамда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларига оид илмий ва амалий тадқиқотлар яратилган. Таъкидлаш

---

<sup>2</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология. Учебное пособие. М.: 2001. 37 с.

лозимки, фразеологизмларнинг лисоний маданиятшунослик доирасида ўрганиш натижалари таҳлили асосида лингвомаданиятшуносликнинг интегратив мустақил фан соҳаси эканлиги эътироф этилади.

Тилшунослик тарихида тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати биринчидан: *тил маданиятнинг оддий инъикоси*, иккинчидан: *тилни маданият, фалсафа ва психологиянинг негизи*, яъни *тилнинг маданиятга таъсирини бирламчи деб ҳисоблайдиган* ҳамда учинчидан: *тил – биз аجدодларимиздан мерос қилиб олган маданиятнинг таркибий қисми*, *тил – биз унинг ёрдамида маданиятни ўзлаштиришимиздаги асосий восита* ва *ниҳоят тил – руҳимиз воқелиги* каби уч ёндашув эътироф этилади.

Бунда лингвистика ва маданиятшунослик парадигмалари кесишмасида пайдо бўлган лисоний маданиятшунослик фанининг моҳияти тил, менталитет ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатлар табиатини очиб бериш ҳисобланади. Оламнинг лисоний манзарасини ҳосил қилувчи вербаллашган руҳоний ва моддий маданият тадқиқи лисоний маданиятшуносликнинг предмети ҳисобланади. Лингвокультурология – бу лингвистика ва маданиятшунослик кесишмасида пайдо бўлган ва тилда акс этган, мустаҳкамланган халқ маданиятлари кўринишларини тадқиқ қилувчи фандир. Лисоний маданиятшунослик этнолингвистиканинг бир тармоғи эмас, балки лингвистика ва маданиятшуносликнинг ўзаро кесишма нуқтасида пайдо бўлган мажмуавий илмий мустақил фан соҳаси бўлиб, *тил + инсон + маданият* феноменларининг ўзаро муносабатларини ўрганади, яъни тилдаги маданий омил ва инсондаги лисон омилларига йўналган, маданият тил призмаси орқали тавсифланади, яъни тил маданиятни фиксацияловчи ва намоён этувчи восита сифатида ўрганилади. Тилшунослар лисоний маданиятшуносликнинг предмети сифатида “тил ва маданиятнинг ўзаро таъсир усуллари ва синхрон ҳаракатдаги воситаларни тадқиқ қилиш ва

тавсифлаш”<sup>3</sup>дир деб эътироф этади. Тил миллий онг, миллий тафаккур, миллий маданият, миллий маънавият, миллий менталитет, миллий характер каби тушунчаларнинг негизини ташкил этади, тилсиз уларнинг моҳияти барқарор бўла олмаслигини очиб бериш ҳам лингвомаданиятшунослик фаннинг асосий мақсадидир.

Олам лисоний манзараси ва тил шахсининг миллий ўзига хос хусусиятлари олам манзараси «кишининг онгига боғланмаган реал ёки эҳтимолий воқеликга нисбатан субъектнинг фикри ва билимлар мажмуи» бўлса, оламнинг лисоний манзараси бизни ўраб турган оламдаги моддий ва номоддий объектларнинг тил воситасида моддийлашиб ва бадий тавсифланиб, яхлит гавдаланган шакли эканлиги англашилади. Лисоний маданиятшунослик лисоний концептлар шаклланишида маданият, маданий мазмуннинг бирикиши, маданий маъно тавсифи ҳамда тадқиқот усуллари билан шуғулланиши лозим. Олам лисоний манзараси борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг тил воситалари билан миллий-маданий қайта инъикос этилган лисондаги яхлит тасвиридир.

Тилнинг миллий маданият билан алоқасини ўрганувчи лингвокультурология соҳасида самарали ишлар олиб борилишига қарамай, этноснинг моддий-маънавий тамаддунида акс этган миллий онг, тарихий тажриба, дунёқараш, тафаккур, миллий ментал хосланишни намоён этувчи фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик тадқиқи доирасида изланишлар етарли даражада амалга оширилмади. Зотан, ҳар қандай миллий тилнинг лексико-фразеологик қатлами диахрон ва синхрон жиҳатдан этномаданий аспектда тавсифланмас экан, унинг миллий тил билан муносабатлари ҳақида батафсил фикр билдириб бўлмайди.

Фразеологик бирликлар асрлар давомида шаклланиб, халқ тарихини, маданиятини, турмуш тарзини белгилаб берувчи омиллардан бири бўлиб келган ва бу омилларнинг семантик табиатини, бошқа тилларда муқобили

---

<sup>3</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантико-прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.:2009.-218 с.

учрамайдиган ментал кўриниш ва шакллари лингвокультурологик тамойиллар асосида илмий тадқиқ этиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб масаласидир.

Тил моҳиятини оламнинг лисоний манзараси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, тил ва маданият муносабати, миллий менталликни англаш айнан тил моҳиятини, унинг коммуникатив вазифасини чуқур ва илмий ўрганиш ҳам муҳимдир.

Фразеологизмлар миллий-маданий хусусиятларининг ички ва ташқи белгилари кундалик-эмпирик, тарихий ва руҳий тажрибасини акс эттирувчи фразеологизмлар воқеликни образли тасаввур этиш асосида тилда пайдо бўлишини лўнда ва образли шаклда ифодалайди.

Фразеологик бирликларнинг маданий компонентлари уларнинг образли асоси билан боғланмайдиган ҳамда образли асоси билан метафорик узайиш ҳисобига боғланадиган денотатив-сигнификатив мазмунли маданий компонентлар гуруҳларига ажратиб ўрганилади. Шунингдек, фразеологик маъно сатҳида ҳам ички шакл сатҳида қўлланадиган маданий компонентлар образли асоси: *ичини мушук таталамоқ, ернинг тагида илон қимирласа билмоқ*; этносоциум тажрибасининг ўзига хос фрагменти *бир қарич, чилла суви*; этносоциумнинг кундалик ҳаёт тарзи билан боғланган сўз реалиянинг мавжудлиги: *дўпписи яримта, алифни калтак деёлмаслик*; асосидаги маданий концепт: *лафзда турмоқ, номуси букилмоқ кабиларни* маданий маркерлигининг лингвистик манбалари сифатида белгилаш мумкин. Шунингдек, фразеологизмлар маданий компонентларни маданият ижтимоий-психологик, тамаддун ва фаолият нуқтаи назаридан ажратиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Фразеологизмларнинг когнитив ва прагматик аспектларига алоҳида эътибор қаратилганлигини эътироф этиш лозим. Уларнинг когнитив ва прагматик имкониятларини намоён этиш учун антропоцентрик тадқиқоқлар олиб бориш зарур.

Концепт борлиқдаги ҳодиса ва объектларнинг қандай тузилганлиги ҳақидаги тафаккур асосида яратилган тушунчани ифодаловчи феномендир.

Концептларнинг миллий ўзига хос хусусияти муҳимдир. Концепт тафаккур жараёнида бир турдаги бир қанча предметлар ўрнини босувчи фикрий ҳосила, концептларнинг индивидуал-психик хусусиятларидан кўра ижтимоий мазмунини ифода этади. Концепт маданиятнинг асосий бирлиги бўлиб, инсон онгида маданият инсон ментал оламига кириб келади.

Концептлар асосида воқеликнинг хилма-хиллигини, фикрий манзаралар, схемалар, гиперонимлар, фреймлар, сценарийлар, инсайтлар, калейдоскопик концептлар асосида лингвистик, когнитив, культурологик, социологик нуқтаи назарлардан ўрганишга имконини беради ҳамда ҳодисанинг энг кўз илғамас қатламларни ҳам очиб бериш имкони туғилади.

Мақолада концептларнинг миллий ўзига хос хусусиятлари муаммоси оила, уй, нон концепти асосида таҳлил этилган. Оила макроконцепти фрейм методи асосида «никоҳ муносабатлари», «қариндошлик муносабатлари», «ноқариндошлик муносабатлари» семантик майдонлари фарқланади. «Никоҳ муносабатлари» семантик майдони эр компонентли, хотин компонентли, эр ва хотин зидлиги семали, уйланиш ёки эрга тегиш семали ва кундош компонентли паремиялар микро майдонларга ажратилади. «Қариндошлик муносабатлари» семантик майдони “яқин қариндошлик” кичик семантик майдонидаги “она”, “ота”, “бола, фарзанд” компонентли ва “узок қариндошлик” кичик семантик майдони “тоға”, “жиян”, “амма”, “хола”, “келин, “куёв” ва “қайн-” префиксли компонентга эга паремиялар гуруҳлари фарқланади.

Ўзбек этносида “оила” макроконцептининг ядросини ‘ота-она ва болалар’, ядро марказини ‘фарзандлар’ микроконцепти, яқин периферияни ‘қариндошлар’ ўзбек халқининг миллий маданий дунёқараши “болалар – ота-она ҳаётининг мазмуни” маданий тузилмаси концептуаллашуви паремиологик материаллар мисолида таҳлил қилинганлиги эътибор қаратамиз: *болали уй – бозор, // боласиз уй – мозор; боласи кўп бўлар бой, боласи йўқ - қуруқ сой; боланг ёмон бўлса ҳам, омон бўлсин* каби мақоллар ўзбек этносида фарзанд ижтимоий категорияси муҳим аҳамият касб этиши

яққол намоён этган. *Айгир қандай бўлса, от шундай; олманинг остига олма тушади; боғинг бўлса қўра қил, ўғлинг бўлса мулла қил; бола туққанники эмас, тарбиялаганники; қуш уясида кўрганини қилади; дарахтга кўра - меваси, ота-онасига кўра – боласи; она – дарахт, бола –мева* каби мақол типигадаги оиланинг энг муҳим функцияларидан бири фарзанд тарбияси эканлиги, бу этномаданий кадриятлар эканлигини, бунда ўзбек миллий-маданий дунёқарашининг фразеологик сатҳда намоён этиши таъкидланади.

Инсоннинг руҳий, интеллектуал ва эмоционал оламини тавсифловчи концептлар унинг ташқи ва ички олами *қалб, жон, виждон* концептлари асосида таҳлил этилади ва бу тушунчаларнинг концептуаллашувини: ранглар: *дили қора – тили қора; кўнгилнинг оласи – худонинг балоси;* мусоффолик: *кўнгил тоза; дили покнинг иши – пок;* макон: *йўл узоқ, кўнгил яқин; кўнгил торлиги – хорлик;* геометрик фигура: *дили тўғрининг йўли – тўғри; дили қингирнинг тили – қингир;* қушлар: *кўнгил қаноти осмондан катта;* бино-иншоот: *ғарибнинг кўнгил – тангрининг уйи; минг Маккадан бир кўнгил иморат яхши;* артефакт: *қиз кўнгил қизиган тандир;* жароҳат: *қозон қораси кетар, дил яраси кетмас; кўнгилнинг қолиши, ишининг синиши;* табиат ҳодисаси: *очиқнинг кўнгил – ёруғ, оёғида хон чориг; инсон қалби қуёшдан ёруғ;* ўсимликлар: *инсон жони – тошдан қаттиқ, кўнгил гулдан нозик* каби ассоциатив –образли методлар асосида намоён бўлади.

**Эмоционал концептлар** эмоция субъектнинг ҳолатини ва унинг объектга муносабати, эмоцияларнинг ижобий ва салбий белгилари асосида талқин этилади. Эмоцияда ижобий ва салбий қутблар жумладан, қизғинлик ва кескинликни юмшатиш, ҳаёжон ва тушкунлик каби қутблар тавсифланади. Шунингдек, кескинлик, ҳаёжон ва уларнинг зидлари дифференцияланади. Ҳаяжонли қувонч - тинч қувонч - қизғин қувонч; кескин қайғу - тўлиб тошган қайғулар- ҳаяжонли қайғу ва тинч қайғу (меланхолия) ва бошқалар.

Эмоционал жараёнларни билиш жараёнларига қарама-қарши қўймасдан бўлмайди. Инсон эмоциялари индивиднинг конкрет ҳаёти ва фаолияти

компонентларига боғли равишда ўзида эмоционал ва интеллектуал, когниция жараёнлари яхлитлигини намоён қилади. Таҳлиллар инсон ижобий эмоциясидан кўра салбий эмоция миқдорий кўп эканлигини кўрсатади. Салбий эмоцияларга ғазаб, қайғу, кўрқув ва уят гуруҳи киртилса, ижобий эмоциялар гуруҳига қувоконнотациясини тасвирловчи, таркибида *қайғу* лексемасини сақловчи *деворни нам йиқитар, одамни – зам; иссиқ чўпни қуритар, қайғу эрни қаритар; занг темирни кемирар, зам-одамни; қайғу – умр эгови; юраги тўлганнинг йизиси кўп* каби проverbsиал фразеологизмлар ташкил этади.

Турғун бирикмалар *Оқ уй, Оқ сарой, Никоҳ уйи, ўқитувчилар уйи; фотосуратлар уйи; болалар ижодиёт уйи; офицерлар уйи; матбуот уйи; маданият уйи; дам олиш уйлари; наириёт – матбаа ижодий уйи, Болсьюр ижодиёти уйи; Хушвақтбой уйи, Сибелиус уй-музейи, Аваз Ўтар уй-музейи, қариялар уйи, меҳрибонлик уйи, болалар уйи, мебеллар уйи, Ўзбек-Хитой савдо уйи* кабилар фразеологик сатҳдаги бирликлар сифатида ўрганилиши лозим.

Хулоса шуки, халқларнинг миллий ўзлигини англаши, миллий онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар ва унинг тилдаги инъикоси концепт моҳиятини тушуниш орқали ўзбек тилига хос оламнинг лисоний манзарасини янада яққол тасаввур қилиш имкониятини яратади.

Фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари лисоний, этимологик, когнитив-семантик ва когнитив-прагматик таҳлили, концептуаллашуви фразеологик бирликларда шаклланиш ва когниция жараёнларини очиқ беришга имкон беради.

Ўзбек миллий-маданий дунёқарашининг фразеологик сатҳдаги чуқур илмий таҳлили фразеологик бирликларнинг семантик-функционал, грамматик хусусиятларини янада фаоллаштириш, халқимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаёти, этник келиб чиқиши каби жараёнларни батафсил ўрганиш имконини беради ва илмий-амалий аҳамият касб этади.



Ўзбек тилига хос оламнинг лисоний манзарасини тасаввур қилиш, фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини лисоний, этимологик, когнитив-семантик ва когнитив-прагматик ўрганиш, инсон моддий ва ботиний олам концептларининг фразеологик бирликларда шаклланиш ва когниция жараёнларини очиқ бериш, фразеологик бирликларнинг миллий-маданий белгилари, ички ва ташқи хусусиятлари намоён бўлишига, лисоний концептлар тадқиқи оламнинг миллий лисоний моделини яратишга имкон беради. Ўзбек тили фразеологик бирликларнинг семантик-функционал, грамматик хусусиятларини аниқлаш, орфографик тамойилларини қайта кўриб чиқиш ва илмий тадқиқ этиш учун илмий-назарий маълумотлар беради. Ўзбек тилини ўқитиш бўйича яратилажак дарслик ва қўлланмалар, ҳозирги ўқув ҳамда изоҳли луғатларнинг мукамаллашуви учун хизмат қилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Тошкент, 1992.
2. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари.- Тошкент, 2013 йил
3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси (ўқув қўлланма). Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019.
4. Маматов А.Э, Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг семантик-прагматик тадқиқи. Монография. Тошкент, “Наврўз”, 2019 йил.
5. Mamatov A. E. “English and Uzbek graduonymic phrasemes in hyponymy”. Монография. The language denotes the men and culture corporatively. LAMBERT Academic Publishing, 2019.
6. Маматов, А. Э. (1989). Очерки по французской фразеологической стилистике.
7. Маматов, А. Э. (2000). Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. *Филол. фанл. докт..... дисс. автореф./АЭ Маматов.–Тошкент.*
8. Маматов, А. Э. (1999). Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. доктори.. дис.

9. Маматов, А. Э. (1995). ЮЗАИМОДЕЙСТВИЕ ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ И ВОПРОСЫ ЯЗЫКОВОЙ ФОРШ. *Чувашикий язык и алтаистика*, 89.

10. Маматов, А. Э. (2012). Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада?. *Ўзбек тилишунослигининг долзарб муаммолари (проф. А. Нурмонов тавлудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари).*—Андижон